# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 49 (5. 940) • 1986 йил 27 февраль, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

**Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ўз ишини давом эттирмоқда.**

# Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг бориши тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

**1986 йил 26 февраль куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ўз ишини давом эттирди.**

**Эрталабки мажлисда съезд делегатлари КПСС Марказий Қомитетининг партия XXVII съездига сиёсий докладини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишга киришдилар.**

**Музокараларда РСФСР Министрлар Советининг раиси В. И. Воротников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, Ленинград «Киров заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг сайқалчилар бригадири В. С. Алешников, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. Н. Слюньков, Ставрополь ўлкаси Степнов районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг раиси Н. Д. Терешченко, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров, СССР приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министри М. С. Шкабардня ўртоқлар сўзга чиқдилар.**

**Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг раиси Фидель Кастро Рус, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Войцех Ярузельский ўртоқлар табрик нутқи сўзладилар.**

# СЪЕЗД КУНДАЛИГИ




Кремлда КПСС XXVII съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Делегатлар Марказий Комитетнинг съездга қилган сиёсий докладини, янги таҳрирдаги КПСС Программасини, партия Уставига киритиладиган ўзгартишларни, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботини ишчанлик вазиятида, қатъий партиявий позицияда туриб муҳокама қилмоқдалар.

26 февраль эрталаб соат 10. РСФСР Министрлар Совети раиси **В. И. Воротниковга** сўз берилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев съездда қилган сиёсий доклад, деди у, ҳеч бир муболағасиз марксизм-ленинизмнинг жуда муҳим ижодий ҳужжатидир. Бу докладда партиянинг коллектив донолиги ва тажрибаси акс этган. Докладда замонамизнинг энг долзарб саволларига жавоблар берилган. Унда тарихий оптимизм, коммунизм тантанасига ишонч барқ уриб турибди.

Нотиқ ўтмишда, хусусан 80-йиллар сарҳадида экономикага раҳбарликда консерватизм ва сафсатабозлик, беғамлик ва масъулиятсизлик, объектив иқтисодий қонунлар таъсирини очиқдан-очиқ тўлиқ баҳолай билмаслик тобора кўпроқ сезила бошлади. Бунинг оқибатида социалистик такрор ишлаб чиқаришнинг энг муҳим пропорциялари бузилди.

Партия ўтмишдаги хатолардан сабоқ чиқариб олди. Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси эндиликда қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг чуқур ишлаб чиқилишига эришмоқдалар, бу қарорларнинг амалга оширилиши учун ҳамма поғоналардаги раҳбарларнинг масъулиятини қатъият билан ошириб бормоқдалар.

Сўнгра партиянинг кадрлар сиёсати масалаларига тўхталиб, нотиқ бундай деди: ҳаёт шуни тасдиқламоқдаки, замонавий талаблар руҳида одамларни янгича ишлашга ўргатиш бу осон кўчадиган иш эмас. Шундай фактларга дуч келиняптики, буларни қайта қуришларга чала ярим уриниш, янги шиорларга чапдастлик билан мослашиш, десак бўлади. Энг асосийси — хўжаликка раҳбарлик практикасига, министрликлар, муассасалар, маҳаллий Советлар фаолиятига чинакамига партиявий, большевистик услубни собитқадамлик билан жорий этишдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг сиёсий докладида, деди Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. В. Шчербицкий**, ютуқларимиз кенг миқёсда кўрсатиб берилди, социал-иқтисодий тараққиётнинг секинлашиш сабаблари рўй-рост ва принципиаллик билан очиб ташланди. Ядро қуролини босқичма-босқич, тўла-тўкис ва ҳамма жойда тугатишнинг, инсоният цивилизацияси ҳалокатга учраши хавфини олдини олишнинг батафсил, аниқ-равшан программаси ҳам докладда янада ривожлантириб берилди, деб уқтирди нотиқ. АҚШ президентининг бу таклифларга қайтарган жавобига келганда шуни айтиш кераки, бизнинг одамларимиз бундан ранжиб хафа бўлганликларининг сабаби мутлақо равшан, чунки Америка томони ядровий қуролсизланишнинг туб проблемасини ҳал этишнинг реал йўлига кўпдан-кўп писандалар ва шартлар билан тўсиқ қўймоқда.

Ўтган беш йиллик якунлари, деб сўзини давом эттирди нотиқ, Украина Компартиясининг XXVII съездида танқидий таҳлил этилди.

Коммунистлар камчиликларни очиб ташлаб, уларни тугатиш юзасидан таклифлар киритиш билан бирга, иттифоқ органларида етилган проблемалар ўз вақтида ҳал этилмаганлиги ҳам беш йиллик натижаларига салбий таъсир қилганлиги тўғрисида қаттиқ гапларни ҳам айтишди.

Нотиқ фан ва техника ютуқларини жорий қилишни мустаҳкам иқтисодий негизга қўйиш зарурлигини айтди.

Партия XXVII съезди тарихий қарорларини турмушга татбиқ этиш, деди пировардида В. В. Шчербицкий, мамлакатимизни экономика, фан ва техника, маданият ва фаровонликни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги поғонасига кўтариши, унинг халқаро обрў-эътиборини, социализм ва тинчлик ғояларининг жозиба кучини кўпайтириши шубҳасиз.

Апрель Пленуми, XXVII съездга тайёргарлик, съезднинг иши худди Ленин кўрсатиб берган йўлдан, партиянинг энг яхши анъаналари негизида ўтди ва ўтмоқда, деди КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **Б. Н. Ельцин.** Пойтахт коммунистлари ўртага қўйган вазифаларнинг реаллигига, партияда ва мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларнинг тўғрилигига ишонаётганликларини ва бу йўлни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини Москва шаҳар XXVI партия конференцияси кўрсатди, деб уқтирди у.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси конференция якунларини ўз мажлисида кўриб чиқиб, делегатларнинг жанговар кайфиятини қўллаб-қувватлади, шаҳар партия комитетидан партиявий раҳбарлик савиясини қатъиян ва тубдан яхшилашни талаб қилди.

Сўнгра нотиқ бир қанча масалалар ўзини ташвишлантираётганини айтди. Нега ҳар бир съездда бир хил проблемаларнинг ўзини кўтараверамиз? Бизнинг партиявий иборамизда «турғунлик» деган мутлақо ёт сўз нега пайдо бўлиб қолди? Шунча йил мобайнида бюрократизм, социал адолатсизлик, суиистеъмолларнинг илдизларини турмушдан суғуриб ташлашга нега муваффақ бўлинмаяпти?

Менинг фикрим шуки, бир қанча раҳбарлар вазиятни, ўз шахсий ролини ўз вақтида мардларча холисона баҳоламаяптилар, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтмаяптилар.

Кадрларнинг иши устидан назоратнинг заифлигини нотиқ орқага кетишнинг асосий сабаблари жумласига қўшди. Айрим кишиларнинг хатолари мамлакатга, партия билан социализмнинг дунёдаги обрў-эътиборига жуда қимматга тушмоқда.

Буни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Бунинг иложи бор — юқоридан ва қуйидан доимий назорат қилиб туриш керак, бу назорат расмият учун бўлмаслиги лозим. Ишда ва феъл-атворда камтарликни одат тусига киритиш керак. Талабчанликни, масъулиятни, шу жумладан шахсан ҳар бир раҳбарга нисбатан ҳам талабчанлик ва масъулиятни кескин ошириш лозим.

Съездга тақдим этилган сиёсий докладнинг қоидалари ва бу қоидаларда ишчилар синфининг ролига берилган юксак баҳо мени айниқса ҳаяжонга солди,— деди «Киров заводи» бирлашмасининг сайқалчилар бригадири **В. С. Алешников.** Съезд қабул қиладиган янги таҳрирдаги КПСС Программаси лойиҳасида ҳам шу баҳо ўз ифодасини топган. Ленинградлик ишчилар партия Марказий Комитетининг апрель Пленуми илгари сурган, далил-исботлар билан чуқур асосланган, дадил йўл-йўриқларни якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар.

Михаил Сергеевич Горбачев заводимизга борган вақтида ишчилар билан суҳбатларда экономикадаги қийинчиликлар ва вазифалар ҳақида, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида, сўзимиз билан ишимиз бир жойдан чиқиши ҳақида рўй-рост ва ошкора гапирди. Биз, ишчилар, ишга бундай ёндашишни, масалани шу тарзда қўйишни тўла-тўкис маъқуллаймиз.

Барча мажбуриятлар бажарилганини бугун делегатларга маълум қила оламиз, деди нотиқ. Энди съездолди вахтаси давомида эришилган ишдаги меҳнат кайфиятини, суръатини сақлаб қолиш муҳим вазифадир.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Н. Н. Слюньков** бундай деди: съезд қабул қилиши лозим бўлган ҳужжатлар улуғ Ленин партиясининг революцион-ўзгартувчилик кучи ошганлигини, новаторлигини намойиш қилмоқда.

Нотиқ Белоруссия коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитетининг марксча-ленинча сиёсий йўлини ва самарали амалий фаолиятини маъқуллашни таклиф қилади.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети республика партия ташкилотлари ҳали Белоруссия экономикасини интенсив изга ўтказишга муваффақ бўлмаганликларини яққол англаб турибди, деди нотиқ. Бу ерда бутун совет халқининг меҳнатдаги куч-ғайратлари билан барпо этилган йирик ишлаб чиқариш потенциалидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Бунинг биринчи сабаби шундан иборатки, ҳали ҳам кўп кишилар ўз ишининг натижаларига талабчанлик билан қарамаяптилар, эришилган ютуқларга кўпинча маҳлиё бўлиб қолмоқдалар, камроқ иш қилиш билан қаноатланишга, осонроқ топшириқ олишга интилмоқдалар. Ташкилий ишнинг илк моҳиятини тиклаш, кадрларни мақсадни кўра билишга ўргатиш, мақсадга эришиш учун кучларни моҳирона тақсимлаш лозим. Айтилган сўздан кейин дарҳол иш бошланишига, инсон шахси амалий ишларда, меҳнатда, қийинчиликларни бартараф этишда; юксак натижаларга эришиш учун курашда вояга етишига интилиш зарур.

КПСС Марказий Комитети сиёсий докладидаги социалистик экономикамиз заминида жадаллаштиришнинг жуда катта резервлари борлиги тўғрисидаги хулосасини колхозимиз тажрибаси яққол тасдиқламоқда, деди Ставрополь ўлкаси, Степнов районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Н. Д. Терешченко.** Ўн беш йил мобайнида ҳар бир колхоз аъзосининг иш унуми уч баравар кўпайди.

Ўлкада колхозимиз сингари ўнлаб хўжаликлар далалар ҳосилдорлигини, моллар маҳсулдорлигини ошириб, шу асосда маҳсулот етиштириш суръатларини кучайтирмоқда, ўз рентабеллигини оширмоқда. Бироқ, биз билан бир хил шароитда бўлса ҳам, бир жойда туриб қолаётган, баъзида эса умуман ўз мавқеини қўлдан бой бериб қўяётган хўжаликлар ҳам талайгина. Ҳозирги вақтда ҳар бир хўжаликнинг рентабелли ишлаши учун реал имкониятлар вужудга келтирилган. Бу — орқада қолаётган колхоз ва совхозлар ҳам ўзлари учун маблағ ишлаб топиши, бошқаларнинг ҳисобига қийинчиликларни ҳал этишга бутунлай барҳам бериши учун мажбурий талаб бўлишини истардик.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Д. А. Кунаев** беш йилликнинг охирида ўсиш суръатларининг пасайиши тенденциясига барҳам бериш, меҳнат унумдорлигини оширишга муваффақ бўлинганлигини уқтириб ўтди. Тежамкорлик, ресурсларни иқтисод қилиш проблемаларига эътибор кучайтирилди. Республика аҳолисининг бешдан бир қисми янги уйларга кўчиб кирди.

Қозоғистонликлар мана шу барча ютуқларни партиянинг ҳар бир иттифоқдош республикани ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлиги, ленинча миллий сиёсат тантанаси билан узвий боғламоқдалар.

Нотиқ иш якунларига танқидий баҳо бериб, амалий фаолиятдаги жиддий нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтди. Саноат йиллик планларни умуман ошириб бажаргани ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмининг беш йилликда кўзда тутилган ўсишига эришилмади. Бизнинг шаънимизга айтилган танқидни партиявий нуқтаи назардан тўғри қабул қиламиз ва ундан зарур хулосалар чиқариб оламиз, деди нотиқ.

Нотиқ мамлакатнинг ғаллачилик ва чорвачилик базаларидан бири сифатида Қозоғистоннинг ролига алоҳида аҳамият берди. Ўтган беш йилликда, деди у, бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, асосан ғалла етиштириш ва тайёрлаш топшириқлари бажарилмади. Буни фақат об-ҳаво шароити билангина эмас, айни вақтда экономиканинг аграр секторидаги жиддий камчиликлар билан ҳам изоҳлаш керак.

Қозоғистонликлар, деди пировардида Д. А. Кунаев, партия билан халқ олдидаги ўз масъулиятини ошириб, партия XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни бажариш учун куч, тажриба ва билимларини аямайдилар.

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Д. И. Патиашвили** ҳозирги шароитда, раҳбар коммунистнинг роли ва аҳамияти ошиб бораётганини айтди. Унинг шахсий хусусиятлари — жўшқинлиги ва ҳаракатчанлиги, билимдонлиги ва коллегиаллиги, ўзи-ўзини танқид қила билиши, демократизми ва одамохунлиги, омма билан алоқаси — социализм шароитида ғоят тўла-тўкис намоён бўлмоқда, юксак тарбиявий намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Нотиқ республика партия ташкилоти хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётган, ўз феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари билан коммунист номини обрўсизлантираётган кишиларга қарши нақадар принципиаллик билан курашаётганини гапириб берди.

Нотиқ 25 февралда, КПСС XXVII съезди очилган кун Грузияда Совет ҳокимияти ғалаба қозонган кунга 65 йил тўлганини айтиб, бундай деди: барча иттифоқдош республикалар каби бизнинг республикамиз ҳам ҳозир ўтмишдан сарқит бўлиб қолган миллий масала Совет Иттифоқида муваффақиятли ҳал этилганининг ёрқин тимсолидир.

Интернационализм, дўстлик ва қардошлик, ўзаро маънавий бойишга интилиш совет халқларининг ички эҳтиёжи бўлиб қолди. Буни биз Георгий шартномасининг 200 йиллиги байрами нишонланган, Грузия Россия билан қардошлашган кунда алоҳида куч билан ҳис этдик. Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмнинг зафарли ғоялари — тинчлик таянчидир, энг қудратли мудофаа қалқонимиздир.

Ер юзидаги кўпчилик кишилар каби мамлакатимизнинг бутун халқи ҳам Коммунистик партиянинг тинчликни сақлаш соҳасидаги саботли ва принципиал ҳаракатлари учун ундан астойдил миннатдордир, деб таъкидлади СССР Фанлар академиясининг президенти академик **А. П. Александров.**

Илм-фан аҳли ядровий фалокатнинг эҳтимол тутилган миқёслари ва оқибатларини айниқса равшан тасаввур қилади ва атом қуролини бутунлай тугатишнинг совет программасини, партиямиз, давлатимиз тинчлик учун олиб бораётган тинимсиз курашни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

Нотиқ фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун қабул этилаётган тадбирларга тўхталди. Тармоқлараро фан-техника комплексларини барпо этиш шу тадбирлар жумласига киради. Дастлабки тармоқлараро фан-техника комплекслари шу йил ишлай бошлайди. Ишлаб чиқаришни илм-фан ютуқларидан активроқ фойдаланишга рағбатлантирадиган чора-тадбирлар системасини ишлаб чиқиш зарур. Машинасозликни ривожлантиришда, машиналарнинг принципиал янги турларини яратишда, уларнинг пишиқ-пухталигини оширишда, иш ресурсини кўпайтиришда илм-фаннинг ролини кучайтириш айниқса зарур.

Олим ўз фаолияти жамиятга фойда келтиришидан олий даражада мамнуният олади, деди сўзининг охирида президент. Аммо керакли, фойдали ишланма қўлланилмай ётган тақдирда ундан қандай мамнуният олиш мумкин? Афсуски, ҳали ҳам шундай ҳоллар рўй бермоқда. Илм-фан яратиб берган нарсаларнинг ҳаммаси мамлакатимиз бахт-саодатига хизмат қилишини, унинг қудратини мустаҳкамлашини кўзлаб иш тутмоқ керак.

СССР приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министри **М. С. Шкабардня** бундай деди: янги шароитда ишчидан тортиб министргача — ҳар бир киши белгиланган мақсадларга эришишда янада зўр қатъият ва фидокорлик билан ишлаши, ўз умрини яшаб бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан, эскича фикрлашдан ва хотиржамликдан, одат бўлиб қолган, аммо энди фойдасиз схема ва ёндошувлардан бемалол воз кечиши керак.

Сўнгра нотиқ министрликнинг ўн биринчи беш йилликдаги иш натижаларини гапириб берди. Биз янги беш йилликни эришилган натижаларни ўз-ўзини танқид қилиш асосида баҳолашдан бошладик, деб таъкидлади министр. Бош вазифа — прибор техникасининг бир қанча энг муҳим группаларида халқ хўжалигининг эҳтиёжларини қондириш вазифаси ҳамон ҳал этилгани йўқ.

Нотиқ ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ўстириш юзасидан белгиланаётган тадбирлар ҳақида съездга маълумот берди.

Нотиқ яқин вақт ичида технологиялардаги революцион ўзгаришларни, автоматлаштириш, кибернетика ва информатика гуркираб ривожланаётганини эътиборга олиб, кадрларни тайёрлаш ва профессионал жиҳатдан узлуксиз қайта тайёрлашнинг умумдавлат системасини яқин вақт ичида ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган таклифни киритди.

Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг раиси **Фидель Кастро Рус,** Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари **Ле Зуан,** Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг раиси **Войцех Ярузельский** съездда табрик нутқи сўзладилар.

Кечқурунги мажлисда делегатлар КПСС Марказий Комитетининг сиёсий докладини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

27 февралда съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

# ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

**КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев қилган сиёсий докладида чинакам революцион характер ва кенг кўламдаги ҳаракатлар программаси баён қилиб берилган. Унда келгуси йиллар ва ўн йилликларда олға қараб қиладиган ҳаракатимизнинг, совет социалистик жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолати томон ҳаракатнинг йўллари ва суръатлари белгилаб берилган.**

**Барча совет кишилари каби Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари ҳам докладдаги мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, экономика соҳасида, социал сиёсатда, маънавий ҳаётда жиддий қайта қуриш зарурлиги тўғрисидаги қоидаларни чуқур англаб ва маъқуллаб кутиб олдилар. Завод ва фабрикаларнинг цехларида, қурилиш майдонларида, колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида ўтаётган митингларда улар ленинчи Коммунистик партия ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқуллаётганликларини айтмоқдалар. ЎзТАГ мухбирлари ана шу митинглардан хабар қиладилар:**

ТОШКЕНТ. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси клуби одамлар билан тўла. Ишчилар, инженерлар, техниклар, корхонанинг барча цехларидан бу ерга КПСС XXVII съездига бағишланган митингга келдилар.

Гальванчи, цех партия ташкилотининг секретари Н. Ортиқова сўзга чиқади:

— Ватанимиз пойтахтида очилган мамлакат коммунистлари анжумани ишини бутун дунё диққат-эътибор билан кузатиб турибди,— деди у, партиямиз Марказий Комитетининг съездга сиёсий доклади мазмуни теранлиги ва реализми беқиёсдир. Коммунистларни, барча совет кишиларини ҳаяжонга солаётган, бутун инсониятнинг қалбига яқин бўлган проблемаларга ишчанлик билан амалий ёндашилганлиги қувончлидир. Ҳар биримиз бу докладдан аниқ ва равшан фикрлар ва масалаларни топишимиз мумкинки, улар ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Биз, электротехника саноати ходимларини докладдаги кўплаб қоидалар орасида фан-техника тараққиёти негизида халқ хўжалигини реконструкциялаш ҳақидаги қисми, айниқса қизиқтирди, партиямиз экономиканинг кўплаб тармоқларида туб бурилишнинг асосий йўналиши — ишлаб чиқаришни кенг электронлаштириш, халқ хўжалигини реконструкциялаш деб ҳисобламоқда. Ишчилар синфи, техника зиёлилари, олимлар ўз куч-ғайратларини шу соҳага қаратишлари лозим.

Докладнинг КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсий йўлига, уларнинг ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашига бағишланган қисми жуда катта таассурот қолдирди. Асримизнинг охирига қадар ядро қуролини тугатишга қаратилган совет амалий программаси бутун инсоният учун умидбахш истиқбол очиб беради. Биз совет кишилари ана шу программа учун якдиллик билан овоз берамиз.

Партия, уруш ва меҳнат ветерани, монтаж участкасининг бошлиғи И. Е. Сильченко, йиғувчи слесарь Н. В. Маликова, созловчи слесарь, Ленин район партия комитетининг аъзоси Т. А. Ешченко ва бошқа нотиқларнинг нутқларида партия йўлини якдиллик билан маъқуллаётганликлари баён қилинди. Улар ўз коллективлари номидан гапириб, съездолди зарбдор вахтасида эришилган суръатларни бўшаштирмай, КПСС XXVII съездини ҳамма участкаларда фидокорона меҳнат билан, энг юксак меҳнат унумдорлиги билан, планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш билан нишонлаймиз, деб ваъда бердилар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

# Эртага Тошкентда — ягона сиёсий кун

Барча совет кишилари қатори Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVII съезди ишини зўр эътибор билан кузатиб бормоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига сиёсий докладини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Эртага шаҳримизнинг барча меҳнат коллективларида ягона сиёсий кун ўтказилади. Завод ва қурилишларда, ўқув юртлари ва ташкилотларда сиёсий докладчилар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига сиёсий докладида баён этилган асосий қоидаларни шаҳар меҳнаткашлари олдида турган вазифаларга боғлаган ҳолда тушунтириб берадилар.

Партия эришилган ютуқларни муносиб баҳолаган ҳолда мамлакат социалистик тараққиётини жадаллаштиришнинг кўп қиррали вазифаларини белгилаб бермоқда. У ўз фаолиятида совет кишиларининг коммунистик қурилишда олға томон муваффақиятли ҳаракат қилиш йўлидаги хоҳиш ва иродасига таянади. Сиёсий докладда таъкидланганидек, ҳозирги пайтдаги иқтисодий ва сиёсий вазият ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткашдан ишга ижодий, новаторларча ёндашишни талаб этмоқда. Эндиликда биз олға томон дадил ҳаракат қилишнинг ёрқин йўлини кўриб турибмиз. Ҳамма гап социалистик қурилиш афзалликлари ва имкониятларидан қай даражада фойдаланишда қолган.

Сиёсий докладчилар ягона сиёсий кунда меҳнат коллективлари, партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни тушунтириш чоғида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ғайрат билан, ирода бирлиги билан янада юқори кўтарилиш, олға бориш ҳақидаги улуғ Ленин васиятини бажаришга қилган даъватига алоҳида эътиборни қаратишлари лозим.

## Алло, редакциями?



32-55-37

## «Оқшом» газетхонлари диққатига

**Ватанимиз пойтахти — Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Барча совет кишилари қатори Тошкент меҳнаткашлари ҳам съезд материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар, партиямиз программ вазифаларининг бажаришнинг аниқ йўлларини белгиламоқдалар.**

**Ана шу партия анжумани тўғрисидаги ўз таассуротларингиз, истиқбол режаларингизни**

**32-55-37**

**телефони орқали қўнғироқ қилиб, «Тошкент оқшоми» газетхонлари билан ўртоқлашишингиз мумкин.**

**Хабарларингиз ҳар куни (якшанба кунидан ташқари) соат 14 дан 16 гача қабул қилинади.**

